# ЙИЛ БОШИДАН ЗАРБДОР МЕҲНАТ ҚИЛАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 3 (8743). ● 4 январь, 1986 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида янги таҳрирдаги КПСС Программаси ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига тақдим этиладиган бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси қандай бораётганлиги масаласини кўриб чиқди. Мажлисда таъкидланганидек, умумхалқ ва умумпартия муҳокамаси кенг демократик негизда, ишчанлик вазиятида ўтмоқда ва у амалий характерга эгадир. Партия съездига тақдим этиладиган ҳужжатларни муҳокама қилишда миллионлаб ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг, коммунистлар ва партиясизларнинг вакиллари иштирок этмоқдалар. Тушаётган таклифларни ва мулоҳазаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш ишлари пухта олиб борилмоқда. Сиёсий бюро партия, совет ва хўжалик органларига, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларига съездолди ҳужжатларини муҳокама қилиш чоғида хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг конкрет масалалари юзасидан меҳнаткашлар томонидан билдирилаётган мулоҳазалар муносабати билан оператив равишда зарур чоралар кўришни топширди.

Сиёсий бюро ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг КПСС XXVII съезди шарафига Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади, мамлакатдаги кўплаб корхоналарнинг меҳнат коллективлари ана шундай шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Шанбаликни ўтказиш совет кишилари ватанпарварлигининг ифодаси, съездолди мажбуриятларининг, иқтисодий ва социал ривожланиш 1986 йилги планининг тўла ва ошириб бажарилишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, деб ишонч билдирилди.

СССР Енгил саноат министрлиги системасидаги тикувчилик, пойабзал, кўнчилик ва трикотаж саноати ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда корхоналарида кадрларнинг муқим жойлашиб қолишини таъминлаш юзасидан ҳукумат ишлаб чиққан тадбирлар маъқулланди. Бу корхоналарни техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштириш, илғор технологик жараёнларни жорий этишни таъминлаш, кўп йиллик хизмати учун бир йўла мукофот беришни йўлга қўйиш, тикувчилик, пойабзал ва трикотаж саноатидаги конвейерларда банд бўлган ишчилар учун тариф ставкаларини ошириш таклиф қилинди. Асосий ва ёрдамчи цехлар баъзи категориядаги ходимларининг тунда ишлаганлиги учун қўшимча ҳақ белгилашга, шунингдек саноатнинг юқорида кўрсатилган тармоқларида меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан бир қанча бошқа тадбирларни амалга оширишга қарор қилинди.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХДР Маъмурий Кенгашининг Бош министри Кан Сен Сан билан суҳбати ҳамда ўртоқ Н. И. Рижковнинг у билан олиб борган музокаралари якунларини маъқуллади. Бўлиб ўтган фикрлашувлар Совет—Корея дўстона муносабатлари янада мустаҳкамланганлигини, шунингдек партиялар ва мамлакатларнинг Узоқ Шарқда, Осиё—Тинч океан регионида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш манфаатлари йўлида уларнинг баҳамжиҳат ҳаракатларини чуқурлаштиришга интилишларини намойиш қилганлиги қайд этилди. Визит давомида имзоланган битимлар СССР билан КХДР ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтиришга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида олдин қабул қилинган бир қанча партия ва ҳукумат қарорлари қандай бажарилаётганлиги, шунингдек Совет Иттифоқи ички ҳаёти ва ташқи сиёсатининг бошқа баъзи масалалари муҳокама қилинди.

## ИККИ НОРМАДАН

«ПОДЪЕМНИК» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўтган беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажарган илғор ишчилари янги йилнинг дастлабки меҳнат кунини ҳам яхши бошладилар. Ҳозирги вақтда 1992 йил ҳисобига ишлаётган Евгений Черлов, Рауф Ҳамитов, Михаил Кранилин, Виктор Бочков сингари токарь ва слесарлар меҳнатда касбдошларига намуна бўлдилар. Улар смена топшириқларини икки баравардан бажаришди. Қўлларидан чиққан ҳамма маҳсулот сифати техника назорати бўлими томонидан юқори баҳоланди.

## МОНТАЖЧИЛАР МАРРАСИ

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» трестининг 4-монтаж бошқармаси коллективи ўн биринчи беш йилликда қатор объектларни қуришга ҳисса қўшди. Монтажчилар биргина ўтган йилнинг ўзида янги Ангрен ГРЭСи, Муборак ТЭЦи каби бир неча зарбдор қурилишларда зарбдорона меҳнат қилишди. Янги Ангрен ГРЭСида умумий қуввати 300 минг киловатт бўлган бешта трубоагрегатнинг ишга туширилишига кўмаклашишди. Тўққизта буғ агрегати, саккизта сув иситувчи қозон ва 3618 минг киловаттли трансформаторларни ишга тушириб беришди.

Меҳнат интизомига қатъий амал қилиниши, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатининг тўғри йўлга қўйилганлиги, авариясиз ишлаш ва қатор бошқа омиллар ютуқлар гарови бўлди. Коллектив йиллик маррани муддатидан қарийб икки ой олдин эгаллашга муваффақ бўлди. Беш йиллик давомида планда белгиланганидан анча кўп—34 минг 818 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Тежалган материаллар ҳисобига қишлоқ хўжалиги учун ўнта подстанция қурилди.

Бугунги кунда электр монтажчилар партиямизнинг съездолди ҳужжатларидан илҳомланиб, янада юксак меҳнат марраларини эгаллаш учун мусобақани авж олдириб ишламоқдалар.

Ш. ТАЛАЕВ.

## Тошкент тракторлари



СССР 50 ЙИЛЛИГИ номидаги Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасида тракторнинг герметик кабинаси деталлари ва узелларини бўёвчи роботлаштирилган участка ишга туширилди. Иқтисодий эксперимент шароитларида ишлаш янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни тез ўзлаштириш, технологик жараёнларни юксак даражада автоматлаштириш ва механизациялаш, ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда реконструкцияни муваффақиятли амалга ошириш имконини бермоқда. Ҳозирги вақтда корхонада 11 та роботлаштирилган технологик комплекслар ва линиялар самарали ишламоқда. Инсоннинг механик ёрдамчилари учун асбоб-ускуналарнинг бир қисмини Венгрия, Болгария ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар етказиб бермоқда. Ишлаб чиқаришни роботлаштириш станокчи ишчилар сонини 3—5 баравар камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Бирлашма коллективи янги йилнинг дастлабки кунидан бошлаб зарбдорона меҳнат қилмоқда, мамлакатимиз пахтакорларига тракторлар етказиб беришни кўпайтиришга астойдил интилмоқда. Ушбу суратда бирлашманинг тайёр маҳсулот майдонини кўриб турибсиз.

К. Тарусов ва Р. Шагаев фотоси.

(ЎзТАГ).

## МАЪДАН ИЗЛАБ

БУ БРИГАДА аъзолари зиммасига шарафли вазифа юклатилган. Улар Қорамозор тоғлари этакларида асрлар давомида ястаниб ётган маъдан конларини очишга ёрдам бермоқдалар.

Интернационал, аҳил ва иноқ коллективга бурғилашда кўп йиллар ишлаб, катта тажриба орттирган мастер С. Зокиров бошчилик қилмоқда. Бригада аъзолари доим пешқадамлар сафида бўлишяпти. Шунинг учун ҳам уларнинг номи Олмалиқ геология-қидирув экспедицияси ишчи-хизматчилари томонидан катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Бу ерда ким билан суҳбатлашманг, азамат бурғиловчилар ҳақида фақат илиқ сўзларни эшитасиз.

Машъал бригада коллективи тоғ шароитларида мураккаб бурғилаш ишларини олиб боришда ССК-46 агрегатидан фойдаланмоқда. Улар бундай машинани «Ташкентгеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлинмаларида биринчи бўлиб қўлламоқдалар. Шунинг учун ҳам пармалаш ишлари суръатининг ошиши, таннархининг арзонлашишига эришмоқдалар. Ҳар бир геологик қудуқни қазишда кўплаб маблағни тежаб қолишяпти.

Бригадада «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур», деган ҳикматли халқ нақлига доим амал қилишади. Улар бурғилаш агрегатларининг муттасил техник жиҳатдан соз ҳолда бўлишига алоҳида эътибор бермоқдалар. Шунинг учун ҳам машинанинг бузилиш ҳоллари деярли учрамайди. Бригадага саккиз ишчи бирлашган. Уларнинг тўрт нафари бурғиловчилик қилади, яна тўрт нафари ёрдамчи ишчи ҳисобланади. Улар шу составда 1977 йилдан бери ишлаб келмоқдалар. Бригада аъзоларидан Ю. Трофимов, В. Тен, Г. Бариев, В. Кимлар ўзларининг иш тажрибаларини ёрдамчиларга сидқидилдан ўргатмоқдалар.

Пешқадам бригада коллективи ҳар йили давлат планларини ортиғи билан бажармоқда. Якунловчи йилдаги иш кўрсаткичлари ҳам салмоқли бўлди. «КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида ишлаётган меҳнатсеварлар йиллик топшириқни барвақт уддаладилар. Улар пландаги 3250 метр ўрнига 3300 метр қудуқ бурғилаганликлари ҳақида ғалаба рапортига 17 ноябрдаёқ имзо чекишган эди. Улар мамлакатимиз коммунистларининг қутлуғ анжуманини икки ойлик топшириқни бажариш билан нишонлаш учун шу кунларда янада зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

К. МУСАМУРОДОВ,
Олмалиқ геология-қидирув экспедицияси инженери.

# ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

ЖАМОЛ Анорқулованинг таржимаи ҳоли ҳам барча тенгдошлари қатори оддий ва қисқа. У 1956 йилда Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозда туғилди, шу ерда ўсди, улғайди. Ўрта мактабни тугаллагач, колхозда қолиб ишлай бошлади. Деҳқон қизи бўлгани учунми, пахтага астойдил меҳр қўйди. У ўзига топширилган ишни тез ва сифатли бажариши билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Шу туфайли обрў-эътибор топди. 1977 йил Жамолнинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Шу йили коммунистлар уни ўз сафларига қабул қилишди. Мана, энди эса у область XXII партия конференциясига делегат қилиб сайланди.



Албатта, бу давр ичида Жамол Анорқулова пахтакорлик касбининг қийинчиликларини озми-кўпми бошидан кечирди. Устозларидан пахта сирларини қунт билан ўрганди. Ўзи меҳнат қилаётган бригадада, қолаверса, колхозда пахта етиштиришни кўпайтириш учун салмоқли ҳисса қўшди. Айниқса, ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида бригадада эришилган ютуқлар қувончли бўлди.

— Ҳаётда ҳар ким ўз ўрнини ўзи топгани маъқул, —дейди Ж. Анорқулова. — Мен шундай деб ўйлайман. Ана шундагина у жамият олдидаги бурчини тўла бажаради, умумманфаати йўлида кўпроқ самара келтиради. Масалан, мен пахта ҳосилдорлигини ошириш учун қандай ишлар қилиниши лозим бўлса уларни обитобида бажаришга ҳаракат қиламан.

1985 йилда ёш коммунист Тўйчи Эргашев етакчилик қилаётган бригада аъзолари 96 гектар ернинг ҳар гектаридан 33,5 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишди. Бу сўнгги йиллардаги энг юқори кўрсаткич эди. Шунингдек, 50 гектар майдондаги канопдан пландаги 178 центнер ўрнига салкам 190 центнердан ҳосил кўтарилди. Энг муҳими пахта ҳосилининг 76 проценти биринчи сортга сотилди.

Бундай қараганда, рақамлар унчалик катта эмас. Лекин ўтган йилларга солиштирганда унинг салмоғи янада ортади. Хусусан, 1984 йилда бу бригадада бор-йўғи 11 процент пахта биринчи сортга қабул қилинган эди. Шунингдек, тўртинчи сортга топширилган пахта миқдори қарийб 16 процент камайди.

— Пахта етиштириш такомиллашмоқда, пахтакор ҳам шунга яраша билимини, тажрибасини ошириб бориши талаб этилмоқда, — дейди бригада бошлиғи Т. Эргашев. — Коллективимизда бу масъулиятни тўла ҳис қилган кишилар меҳнат қилаётганликлари учун ҳам ютуқларимиз салмоқли бўлмоқда. Ана шулардан бири Жамол Анорқуловадир.

> **ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ**

— Жамол Анорқулова коммунист сифатида жамоатчилик ишларида ҳам актив қатнашмоқда, — суҳбатга қўшилди колхоз партия ташкилотининг секретари Қаюм Деҳқонов. — У 7-бригаданинг агитаторидир. Вақти-вақти билан дала шийпонида муҳим мавзуларда суҳбатлар ўтказиб туради. Шунингдек, коллективда соғлом маънавий муҳитни таъминлаш, интизомни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилади.

— Ошириб юбораяпти, деб ўйламанг-у, ютуқларимизнинг асосий замини интизомда, — дейди Ж. Анорқулова. — Чунки, ҳар бир иш ўз вақтида, сифатли бажарилсагина пахтадан мўл ҳосил олинади. Биз бригадамизда интизомни бузганларни кечирмаймиз. Яқинда коллективимиз коммунист Ҳусан Тешабоевнинг ишини кўриб чиқди. Бир неча марта огоҳлантиришимизга, маслаҳат беришимизга қарамасдан у спиртли ичимлик истеъмол қилишни давом эттираверди. Кўпчиликнинг талаби билан уни партия сафидан чиқардик. Бригадамизда тарбиявий ишларни кучайтиришга қаратилган зарур тадбирлар кўрилди.

Бригадада Жамол Анорқулова билан ёнма-ён меҳнат қилаётган Гулнора Жувосбоева, Шарифа Эшалиева, Гулбаҳор Болтабоева, Насиба Эркабоева сингари коммунистларнинг номларини ҳам колхозда ҳурмат билан тилга олишади. Умуман, бу коллективнинг хўжаликда ўзига хос ўрни бор. Аввало, бригадада иш юритиш бирмунча такомиллашган. Дала ишларининг бориши, баъзи муаммолар бригадада ташкил этилган совет орқали ҳал қилинади.

— Советнинг маҳсулот сифатини оширишдаги роли катта бўлаяпти,—дейди Ж. Анорқулова.—Биз ҳар бир цикл парваришидан кейин далаларни айланиб чиқамиз, Кимда-ким ишни сифатсиз қилган бўлса, тезда амалий чора кўрилади. Сифатсиз бажарилган иш учун сарфланган ҳаражат айбдордан ундириб олинади. Бунинг самараси яхши бўлаяпти. Эндиликда ҳамма ўз вазифасига сидқидилдан ёндошмоқда.

— Жамол табиатан камгап, камсуқум, — дейди унинг мусобақадош дугонаси Шарифа Эшалиева. — Бирон ишни бошласа бўлди, албатта, охирига етказади. Шунинг учун ҳам дангасалик қилган, масъулиятни ҳис қилмайдиган кишиларга нисбатан муроса қилиб ўтирмайди. Тўғрисини гапиради, қўяди.

Ҳа, коммунист Жамол Анорқулова ҳақида ким билан суҳбатлашманг у ҳақда ана шундай илиқ, самимий гапларни эшитасиз.

— Ҳали деҳқончиликда ҳал қилинадиган муаммолар кўп. Аввало истагим, деҳқонларга айрим масалаларни ҳал этишда кўпроқ мустақиллик берилса, — дейди Ж. Анорқулова. — Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, айни ғўза парвариши ёки йиғим-терим даврида бизга тўғрими, нотўғрими «ундай қилинглар, бундай қилинглар», деб кўрсатмалар беришади. Албатта, биз малакали мутахассисларнинг маслаҳатига муҳтожмиз. Лекин деҳқонга ҳам қўйиб бериш керак. Ахир, ернинг шароити, экиннинг ҳолати бизга маълум-ку. Иккинчиси, минерал ўғитлардан фойдаланиш. Очиғини айтганда биз сарфлаётган минерал ўғитларга нисбатан ҳали кам маҳсулот олаяпмиз. Бунинг устига зарур бўлганда ўғитни қўшимча сўраб оламизда, мавсум ўтгач, ортиқчасини яхшилаб сақлаш ҳақида ўйламаймиз. Масалан, бизнинг колхозимизда ана шу қимматли ўғитларни сақлаш учун ҳалигача марказий омборхона қурилмаган. Область партия конференциясида мана шу сингари масалалар, муаммолар ўртага ташланиб, муҳокама қилинса, ўринли бўлар эди.

Жамол Анорқулова шундай деди-да, бироз жим қолди. Сўнгра оҳиста сўзини якунлади:

— Киши ҳаётида шундай лаҳзалар бўлар эканки, у ўзини янада улғайгандек ҳис қиларкан. Эсимда, мени партияга қабул қилишганда шундай ҳаяжонланган эдим, чунки энди коммунист деган юксак номни оқлаш лозим эди. Мана, номзодимни область партия конференциясига делегатликка кўрсатишганда ҳам шундай бўлди. Ахир, мен ҳали бундай катта анжуманларда ҳеч қатнашмаганман-да. Лекин, коммунистларнинг менга билдирган юксак ишончидан миннатдорман. Уни оқлаш учун бутун куч-ғайратимни сарфлайман...

Ф. МУҲИДДИНОВ.

## ЧОРВА ҚИШЛОВИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

### СУРЪАТНИ СУСАЙТИРИШМАЯПТИ

◆ ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози чорвадорлари янги йилни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишди. Ўтган хўжалик йилида давлатга пландаги 375 тонна ўрнига 491 тонна сут топширилди. Гўшт сотиш плани бажарилди. Шунингдек, мўлжалдаги 180 ўрнига 187 бош бузоқ олинди.

Ферма меҳнаткашлари айни кунларда ҳам суръатни сусайтирмаслик учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, яқинда ишга туширилган 200 бош қорамолга мўлжалланган янги молхона ишчилар юмушини анча енгиллаштирди. Чунки у кўпгина қулайликларга эгадир. Соғувчи ва молбоқарлар сигирларни тўлиқ рацион асосида боқиб, улардан кўплаб маҳсулот олишга эришишмоқда. Кунига давлатга 900 килограммдан сут топширилаяпти. Т. Абдумўминова, Т. Абдуллаева сингари илғор соғувчилар ҳар бош сигирдан кунига 9 килограммдан етказиб сут соғишаяпти.

Шунингдек, Оржоникидзе бўрдоқичилик пункти меҳнаткашлари ҳам ўтган йилни яхши якунлашди. Давлатга 400 тонна ўрнига 470 тонна гўшт топширилди. Ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 423, қўйники 48 ва чўчқаники эса 117 килограммдан тўғри келди.

Бўрдоқичилик пунктида шу йилнинг биринчи кварталида 100 тонна гўшт сотиш планлаштирилган. Бироқ чорвадорлар бу маррани январь ойидаёқ эгаллаш учун курашни қизитиб юборишди.

Р. СОБИРОВ.

### РАЙОНДА ИЛҒОР

◆ ВАЛЕНТИНА Степаненко йил якунига кўра райоининг энг илғор соғувчиси номини олишга муяссар бўлди. У ҳар бош сигирдан 5 минг 200 килограммдан сут соғиб олди. Бириктилган сигирлардан жами 100 тонна маҳсулот топширди.

Моҳир соғувчи меҳнат қилаётган Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхозида бундай илғорлар кўп. Т. Толимбекова, Х. Сориева ва Р. Тулебоевалар шулар жумласидандир. Уларнинг ғайратлари туфайли ўтган йили давлатга 910 тонна сут топшириб, йиллик план ортиғи билан бажарилди.

Айни пайтда фермада сут соғиб олиш графиги ортиғи билан бажарилмоқда. Кунига 19—21 центнердан сут топширилмоқда. Сутнинг ёғлиқлик даражаси 4,1—4,2 процентни ташкил этмоқда.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

### ХУЛОСА ЧИҚАРМАБСИЗ-ДА?

ЧИНОЗ районидаги Киров номли колхоз чорвадорлари 1984—1985 йил қишловидан аранг чиқиб олдилар. Хўжаликда озуқа, айниқса, танқис бўлди. Шунинг учун ҳам сигирлар ва қорамоллар маҳсулдорлиги кескин пасайиб кетди. Гўшт-сут етиштириш суръатлари тадбирларда белгиланганидан анча орқада қолди. Яхшиям «Октябрь 40 йиллиги» колхози бор экан. Бу хўжаликдан сотиб олинган 200 тонна силос асқотди. Бўлмаса қорамолларни қишдан олиб чиқиш амри-маҳол эди.

Кўпчилик Киров номли колхоз раҳбарлари, мутахассислари ўтган қишлов сабоқларидан хулоса чиқариб, ишда кескин бурилиш ясайди деб ўйлаган эди. Афсуски, хўжаликда 1985—1986 йил қишловига ҳам яхши тайёргарлик кўрилмабди.

Гапни озуқа жамғаришдан бошлай қолайлик. Бу соҳадаги планлар (лавлагини ҳисобга олмаганда) биронта озуқа тури бўйича бажарилмади. 1980 тонна ўрнига 1782 тонна дағал хашак, жумладан, 300 тонна ўрнига 264 тонна сенаж, 2000 тонна ўрнига 1032 тонна силос тайёрланди, ҳолос.

Бизнинг бу борада берган саволларимизга колхоз бош зоотехниги О. Эгамбердиев тайинли жавоб бермади. Балки у мавжуд ем-хашак 669 бош қорамолни қишдан олиб чиқишга етади, деб ўйлаётгандир. Тўғри, етиши мумкин. Лекин, соғин сигирларни, бўрдоқиларни ва бошқа молларни қишки рационда эмас, енгил-елпи тузилган рацион асосида боқилсагина етади. Афтидан колхозда ҳалигача сигирларни тўйимли озуқалар билан боқиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланмаган. Шунинг учун ҳам маҳсулдорлик жуда паст. Ўтган йилнинг ўн ойида ҳар бош соғин сигирдан 1650—1700 килограммдан сут соғиб олинганлиги ҳам буни исботлаб турибди.

Ишнинг муваффақияти одамларнинг кайфиятига, уларга унумли меҳнат қилишлари учун яратиб берилган шарт-шароитга кўп жиҳатдан боғлиқ. Афсуски, колхозда чорвадорларга етарли ғамхўрлик кўрсатилмаяпти. Номига жиҳозлаб қўйилган дам олиш хонасида кундалик зарур бўлган нарсалар йўқ. Фермада иссиқ овқат ташкил этилмаяпти. Натижада соғувчилар соғишдан кейин уйларига қатнашга мажбур бўлмоқдалар.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Ёдгор Охунов ҳам чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш, сиёсий-тарбиявий ишларни жонлантириш юзасидан амалий иш қилмаяпти.

Ҳали ҳам кеч эмас. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти камчиликларга тезда барҳам бериши, қишловни муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилаб, уларни амалга ошириши лозим. Акс ҳолда ўтган қишловдаги нуқсонлар бу йил ҳам қайтарилиб, қорамолларни мажбуран сўйиб юбориш, бузоқларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилади. Бу — турган гап!...

А. НАБИХЎЖАЕВ.

